

«Хислатли ҳикматлар шарҳи» китоби қайта нашр этилди



16:50 / 25.10.2019 1725

Иқтибос: «Банданинг ҳоли тўртдир. Бешинчиси бўлмас. Улар: неъмат, синов, тоат ва маъсият. Агар неъматда бўлсанг, сендан Ҳақнинг тақозоси шукрдир. Агар синовда бўлсанг, сендан Ҳақнинг тақозоси сабрдир. Агар тоатда бўлсанг, сендан Ҳақнинг тақозоси У Зотнинг сенга нисбатан олийжаноблигини тан олишдир. Агар маъсиятда бўлсанг, сендан Ҳақнинг тақозоси истиффордир».

«**Хислатли ҳикматлар шарҳи**» асарида фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратлари шайх Ибн Атоуллоҳ Сакандарийнинг «Ҳикамул-Атоийя» номли китобларига қилган таржималари ва шарҳлари ўрин олгандир. Ва ниҳоят, орзиқиб кутилган ушбу беназир асар ўзига хос бежирим қутига жойланган ҳолда қайта нашр этилди. Ушбу асар китобсевар мухлисларимизнинг қалб тўридан, китоб жавонидан муносиб ўрин олади деган умиддамиз.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф

Номи: «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1–5 - жузлар

Нашриёт: «Ҳилол» нашриёт-матбааси

Нархи: 267 000 сўм

Islom.uz портали тахририяти